

Ислом таммаддуни



11:00 / 05.07.2021 1984

Франциялик тарихчи Густав Лебон «Араблар маданияти» номли китобда қуйидаги сўзларни айтди:

«Кошки мусулмонлар Францияни ҳам босиб олишган бўлсайди. Чунки мен Франция ҳам мусулмон Испаниясининг Кордова (Қуртуба) шаҳри каби бўлишини орзу қилгандим».

Изоҳ: Густав Лебон- Gustave Le Bon: 1841 -1931 йилларда яшаган психолог, социолог, антрополог, шифокор, физик ва франсуз тарихчиси. Асарининг номи “Араб цивилизацияси тарихи”- “La Civilisation des Arabes” дир.

Тарихчи мусулмон Испанияси деганда, Андалусни назардан тутган. В аллоҳу аълам. Ҳозирги Испания ва Португалия ҳудуди, яъни Пиреней ярим ороли қадимда «Андалус» деб аталган. VIII-X асрлардаги Андалусдаги тараққиёт ўз вақтида Оврупага ҳар томонлама таъсир қилди. Ислом маданияти ва илм-фани ютуқлари Ғарб мамлакатларига асосан шу ҳудуд орқали ёйилгани маълумдир. Уч аср давом этган Андалус уйғониш даврида мусулмон илм-фани ва маданияти Оврупага кириб борди, қитъа таммаддунига катта туртки берди.

Манба: arabic.uz